

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****440 Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий
фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Ташқи савдо фаолиятини халқаро амалиётда умумэтироф этилган божхона-тариф жиҳатдан бошқариш усулларини қўллаш асосида ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош юқори сифатли тайёр маҳсулотни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни ташкил этиш мақсадида:

1. Айрим турдаги товарлар учун 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб: импорт божи ставкалари 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган, акциз солиғи олинадиган товарларга акциз солиғи ставкалари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 13 август,
ПҚ-2388-сон

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.